

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 4 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари: – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.04.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 4). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



ТАРЖИМАГА ЎҚИТИШ МАСАЛАСИ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Йўлдошев Улугбек Равшанбекович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тел: 90 805 73 70, e-mail: yoldoshevu@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада таржимашунослик, таржимага ўқитиш методикаси, таржима дидактикасига бағишланган тадқиқотлар ва уларнинг шарҳи, таржимон тайёрлашнинг методик ва услубий таъминоти масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: таржима, методика, ўқитиш, дидактика, билим, кўникма, малака, оғзаки таржима, ёзма таржима, кетма-кет таржима, таржима усуллари

ОБУЧЕНИЕ ПЕРЕВОДУ КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ

Юлдашев Улугбек Равшанбекович

Преподаватель Международной исламской академии Узбекистана,

Кандидат филологических наук

Тел: 90 805 73 70, e-mail: yoldoshevu@mail.ru

Аннотация: Статья посвящена вопросам научно-исследовательских работ по переводу, методике обучения переводу, дидактике перевода и их анализу, методическому и стилистическому обеспечению.

Ключевые слова: перевод, методика, обучение, дидактика, знания, умение, компетенция, устный перевод, письменный перевод, последовательный перевод, переводческие трансформации.

TEACHING TRANSLATION AS AN OBJECT OF INVESTIGATION

Yuldoshev Ulug'bek Ravshanbekovich

Teacher of International Islamic academy of Uzbekistan, PhD

Tel: 90 805 73 70, e-mail: yoldoshevu@mail.ru

Annotation: The article is devoted to the issues on research works on translation studies, methodic of teaching translation, didactics of translation and their comments, methodical and stylistic support.

Kew words: translation, methodic, teaching, didactics, knowledge, skill, competence, oral translation, written translation, consecutive translation, translation transformations.

XX аср охиридан то ҳозирги кунгача бўлган давр дунёда интеграция жараёнларининг ортиб бораётган давридир. Шу боис таржима фаолияти тобора оммалашиб бораётгани бежиз эмас. Таржиманинг назарияси нисбатан нисбатан ёш бўлишига қарамай, унинг амалиёти узоқ ўтмишга бориб тақалади. Таржима назарияси ва амалиётининг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари тилшуносликда салмоғи катта. Бироқ, таржимани ўқитишга бағишланган ишлар айтарлиқ кўп эмас. Таржимани ўқитиш, таржима дидактикасига бағишланган изланишларни И.М.Тўхтсинов, Л. К. Латишев, Р. К. Миняр-Белоручев, Н. Д. Чебурашкин, Л.Н.Нелюбин



ва бошқаларнинг ишларида қўришимиз мумкин. Таржимани ўқитишга доир таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни билан боғлиқ қўлаб масалалар, талабалар ва ўқитувчиларга қўйилиши лозим бўлган якуний вазифа ва талаблар етарлича ўрганилмаган.

Талабаларни таржимага ўқитиш масаласини кенгроқ англаш учун мазкур соҳада амалга оширилган тадқиқотларни диахроник тартибда ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биз бу борада таржимага ўқитиш, таржиманинг оғзаки ва ёзма турларини ўқитишнинг лингводидактик масалалари, таржимон тайёрлашнинг долзарб муаммолари, таржимон компетенцияси ва уни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқот объекти қилиб олинган изланишларни таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Юқоридаги масалалар тадқиқот объекти қилиб танлаб олинган илмий изланишлар Ўзбекистон, Россия, Европа ва бошқа минтақа олимларининг турли хил илмий ишларида учратиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда таржимон тайёрлашнинг долзарб масаласига бағишланган тадқиқотлар сирасига И.Тўхтасиновнинг кенг монументал тарзда олиб борган “Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш” номли докторлик диссертациясини учратишимиз мумкин. Олим мазкур диссертациясида таржимон тайёрлашнинг долзарб масалаларига тўхталиб ўтган ва унинг тадқиқот ишида бўлажак таржимоннинг лингвистик компетенциясини мулоқотда эквиваленти бўлмаган сўзларни неологизм, сўзма-сўз (калька), маъноси яқин сўз билан ўтириш, изоҳини баён қилиш, контекстуал муқобил билан алмаштириш трансформациялари ёрдамида ривожлантирилиши такомиллаштирилган; таржима мулоқотидаги сўзлар эквивалентини топиш орқали сўз шакли, ўзаро боғлиқлиги, содда, ясама, қўшма сўзлар бўйича семантик хусусиятлари ҳамда шаклий, контекстуал, синоним, омоним, антоним маънолари орқали лексик ва ёш, жинс, дунёқараш бўйича экстралингвистик хусусиятлари аниқлаштирилган; тинглаш, мнемотехника, трансформациялаш, тилдан тилга ўтиш, нутқий механизмларни бошқариш, оғзаки нутқ техникаси, таржима суръати кўникмалари асосида таржимоннинг касбий компетенцияси ривожланиши аниқлаштирилган (9). И.Тўхтасинов таржимон тайёрлаш шахс сифатида ёндашув, фаолиятли ёндашув, ижтимоий-маданий ёндашув ҳамда дискурсив ёндашув тамойилларига риоя қилган ҳолда ташкил этилишини таъкидлаб ўтади ва ушбу тамойилларни ҳар бирини аҳамиятини таъкидлаб ўтади.

Таржимага ўқитиш масаласи тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган тадқиқот ишлардан яна бири Ж.Абдуғаниеванинг “Тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари” (1) мавзусидаги илмий иш ҳисобланади. Тадқиқотчи мазкур ишда синхрон ва кетма-кет таржиманинг умумий, фарқли (таснифи, вақт интервали, жиҳозланиш, таржимонлик фаолияти, хатти-ҳаракат, коммуникация) ва ўхшаш (шакл, ўзлаштириш, таққослаш, реал коммуникация, кўникмалар умумийлиги) хусусиятлари таржима сифатини баҳолаш даражалари (микро, мезо ва макро даражалари) орқали аниқлаган, кетма-кет таржимага ўқитишнинг ўзига хос лингводидактик хусусиятлари (прагматик, лексик-семантик, коммуникатив, психофизиологик, соcio-маданий, техник) талабаларнинг психофизиологик маълумотларини (нутқнинг баландлиги ва аниқлиги, стрессли вазиятларга бардошлиги,



асосий ибораларнинг оператив хотирада сақлаш ва бошқалар) ривожлантириш орқали аниқлаган, нутқ кўникмаларининг лингвистик, психологик ва техник қийинчиликлари вазиятли омилар бўйича кетма-кет (бошланғич, калитли, ўтиш, синтез, якуний) таржиманинг босқичлари орқали аниқлаган, она тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан она тилига икки томонлама кетма-кет таржимани ўқитиш методикаси мақсадли махсус матнларни танлаш ҳамда вазиятли таҳлил методи асосида такомиллаштирган.

Юртимизда таржима назарияси ва амалиётининг доларб масалаларига бағишланган ишлар асосан тилшунослик нуқтаи назардан ўрганилган. Бироқ таржиманинг лингводидактик масалалари, таржимани ўқитиш методикасига бағишланган, кенг монографик тарзда тадқиқ қилинган ишлар кам сонни ташкил қилади.

Танланган тадқиқот мазвуси бўйича амалга оширилган ишларни танқидий ўрганиб чиқиш жараёнида таржимани ўқитиш методикасига бағишланган тадқиқот ишлар Ўзбекистонда фақатгина И.Тўхтасинов ҳамда Ж.Абдуғаниевалар томонидан, Россия, Европа ва бошқа минтақа олимлари томонидан эса бир нечта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги аниқланди.

Рус олимлари қаторида Н.С.Казанцева ўзининг “Методическое моделирование в обучении студентов письменному переводу (специальность «перевод и переводоведение»)” номли тадқиқот ишида талабаларга ёзма таржимани ўқитишнинг методик моделлаштириш масаласига эътибор қаратган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув-услубий моделлаштиришни бўладак таржимонларни тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш, таржима фаолияти таҳлили ва таржимадан кейинги таҳрирнинг лексик-семантик жиҳатида полисемик конструкциялар, бўлажак таржимонларга замонавий ахборот-технологик ёрдамни ташкиллаштириш масалаларини асослаб берган (3). Н.Казанцева “таржимани ўқитиш” тушунчасини таржима тилида асл нусхасига тенг келадиган матнни яратишга имкон берадиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ўзлаштиришнинг мақсадли ва тизимли жараёни сифатида талқин этади. Олимнинг тадқиқот ишида ёзма таржимани ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишнинг моделлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Таржимон тайёрлашга бағишланган яна бир тадқиқот Н.К.Гавриленконинг тадқиқот иши бўлиб, унда илмий-техникавий матнлар таржимонининг профессионал компетенция ҳамда билим ва кўникмаларининг таркибий тузилмаси аниқланган, илмий-техникавий таржимоннинг касбий фаолиятининг ўқитиш кетма-кетлигини ташкил этувчи асосий босқичлар аниқланган ва белгиланган босқичларнинг ҳар бирига вазифалар ҳамда ушбу вазифаларни шакллантирувчи билим ва кўникмалар асосланган, шунингдек, биринчи маротаба таржимага ўқитиш жараёнида илмий-техникавий матнлар таҳлиliga дискурсив ёндашув қабул қилинган ва дискурсив ёндашув орқали матнни кетма-кет таржима таҳлили ишлаб чиқилган, таржимон фаолиятига хос бўлган махсус дискурсив жанрлар типологияси (осондан қийинга) ишлаб чиқилган, махсус дискурсив белгиланган жанрлари материали асосида таржимага ўқитиш истиқболлари асослаб берилган, шунингдек илмий-техникавий матнлар таржимасига ўқитиш мазмунига “ижтимоий институт” ва “ижтимоий муҳит” тушунчалари тадбиқ қилинган



(2). Н.Гавриленко ўз тадқиқотида асосан аниқ фанлар, яъни илмий-техникавий матнлар таржимонини тайёрлаш масаласига эътибор қаратган.

Таржимон мутахассисини тайёрлаш масаласига бағишланган яна бир тадқиқот А.Юнусованинг монографик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотда А.Юнусова томонидан биринчи маротаба тожик ва рус тиллари бўйича таржимонларни тайёрлаш тизими масаласи кўтарилган, филологик олий таълим муассасаларида иккинчи мутахассислик сифатида таржимонларни мунтазам тайёрлаш концепцияси таклиф қилинган, таржимани ўқитишнинг методик тизимининг асосий масалалари ўрганилган ва таржимонларни тайёрлашнинг услубий тамойиллари шакллантирилган (11). А.Юнусованинг таъкидича, таржимон-мутахассисини тайёрлашга профессионал ёндашув жараёни ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, балки таржима назарияси ва амалиёти ва ўқув дастуридаги бошқа фанларларининг пухта ишлаб чиқилган ва мақсадга мувофиқ фанлараро алоқалари асосида амалга оширилиши керак.

А.Христюба “Таржимонлик факультети талабаларига иқтисод тематикасига оид матнларни ёзма таржима қилиш методикаси” номли диссертациясида француз иқтисодий матнларида (лексик, грамматик, стилистик) қўлланиладиган тил воситаларини француз тилидан рус тилига таржима қилишнинг лингвомамлакатшунослик ва этно-маданий жиҳатларини очиб берган, бу жиҳатларнинг ёзма таржимани ўқитишдаги аҳамиятини таржима факультети талабаларига ёзма иқтисодий таржима асосида илмий асослаб берган, француз тилида лингвомамлакатшунослик ва этномаданий жиҳатларни ўзида акс эттирувчи иқтисодий лексемаларнинг таснифини таклиф этган, таржима факультети талабалари учун француз тилидан рус тилига ёзма иқтисодий таржимани ўқитишнинг услубий моделини ишлаб чиққан (10). Олиманинг хулосасига кўра, иқтисодий матнларни ёзма таржима қилишга ўқитиш ёзма ва оғзаки таржиманинг (ёзма ва оғзаки кўринишда таржимоннинг нутқий характерининг психолингвистик хусусиятлари борасидаги) фарқлари ҳамда таржима қилинадиган матннинг хусусиятлари (аслият матнининг жанр ва услубий хусусиятлари)га боғлиқдир.

Н.В.Новосельцева ўзининг бўлажак таржимонларнинг компетенциясини шакллантиришга доир тадқиқот ишида таржимоннинг синонимик компетенция тушунчасини очиб беради, унинг мазмунини аниқлайди, шунингдек, синонимик компетенцияни шаклланиш даражалари ва мезонлари ишлаб чиқади. Шунингдек, ишда синоним компетенция профессионал таржима компетенциясининг мустақил элементи ва ўзлаштириш объекти сифатида аниқланади, таржимонлик факультети юқори синф ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш масаласини ҳал қилишга қодир бўлган синоним компетенцияни шакллантириш бўйича педагогик технологияни ишлаб чиқилади (8).

Н.В.Новосельцеванинг фикрича, педагогик нуқтаи назардан таржимага ўргатишнинг асосий муҳим жиҳати бу– бўлажак таржимонлар учун зарур таржима компетентлигини яратилишини ҳисобга олиш ҳисобланади. Шунингдек, у муҳим умумий лингвистик ва умумий тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Таржима дарслари ўқувчиларни тил бирликларининг коннотатив аспектлари семантикасининг энг нозик жиҳатларига эътибор беришга ундайди, тилларнинг тизимини ташкил топиши ва фаолиятининг ўзига хослигини, ҳар бир тил томонидан яратилган “олам манзараси”нинг



хусусиятларини, турли тил гуруҳлари вакиллариининг маданияти ва тафаккурида умумий ва ўзига хослигини очиб беради (8). Таржима компетенциясининг ривожланиши бўлажак таржимонлар шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради. Бу орқали бўлажак таржимонларда диққат ва масъулият ҳисси, маълумотлар манбаларидан фойдаланиш, танлов қилиш, тўғри қарорларни тезда қабул қилиш, кўплаб лингвистик ва экстралингвистик маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш қобилияти шакллантиради.

Таржимага ўқитиш ва таржимон тайёрлаш масалаларига бағишланган тадқиқотларни танқидий таҳлил қилиш жараёнида филологик олий таълим муассасалари талабаларига ёзма таржимани ўқитиш масаласига доир тадқиқотлар сирасига О.П.Кузьяеванинг диссертацияси ҳам киради. Олима ўзининг тадқиқот ишида филологик йўналишдаги университет талабаларига коммуникатив-эквивалент ёзма таржимани ўқитиш учун аудиовизуал матнларнинг лингводидактик салоҳиятини “коммуникатив шаффофлик”, маданий ўзига хос маълумотлар билан тўйинганлик, коммуникатив “икки қатламлик” ва аутентивлик каби хусусиятлар билан очиб берган, таржима қилинаётган материалнинг ўзига хос хусусиятларини ва ўқувчиларнинг таржима фаолиятини амалга ошириш мотивлари даражасини ҳисобга олиб машқлар ва вазифалар тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган филологик университет талабаларини коммуникатив-эквивалент ёзма таржимага ўқитиш методикасини ишлаб чиққан (4). Муаллиф коммуникатив-эквивалент таржимани ўқитиш муаммосини ўрганиш жараёнида талабаларни таржима қилишга ўргатишнинг анъанавий усуллари ва усуллари сифатида авторитар-ижодий усул, алоқа муаммоларини ҳал қилиш усули, асл матнни таржимадан олдин таҳлил қилиш усули, таржима жараёни босқичларига мос равишда қурилган таржима жараёнга йўналтирилган таълим каби таржима вазифалари ва машқлари тизимини яратиш кабиларни таъкидлаб ўтган. Бу анъанавий машқ ва вазифалар таржимадан олдин амалга ошириладиган таржима таҳлилларига бағишланади. Бироқ, бугунги кунда дарс жараёнида амалга оширилган таржимани бошқа вариантлар билан қиёсий таҳлил қилиш ва аслият матнига тилнинг барча сатҳлари бўйича таҳлил қилиш таржимон тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Демак, юқорида кўриб чиқилган тадқиқотларда асосан, бўлажак таржимонларнинг компетенцияларини шакллантириш, соҳавий матнларни таржима қилишга ўргатиш, таржимон тайёрлашга турли хил ёндашувчлар каби масалалар таҳлил қилинган. Шундай экан, таржимани ўқитиш методикасига бағишланган тадқиқотлар орасида ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина. Шундай экан, таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг дидактик масалалари тадқиқот объекти бўлган илмий изланишлар келгусида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуғаниева Ж.Р. “Тил отмлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари”. Фил.фан. бўйича фал. док. Дисс. автореф. –Тошкент, 2020. 26 б.



2. Гавриленко Г.К. Лингвистические и методические основы подготовки переводчиков с иностранного языка на русский в области науки и техники (на примере перевода с французского языка на русский) Автореф. дис. ... док. пед. наук. –М.,2006. –С.10-11 (52)
3. Казанцева С.Н. Методическое моделирование в обучении студентов письменному переводу (специальность «перевод и переводоведение») Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 2010. –С.6 (24)
4. Кузьева О.П. Методика обучения студентов языкового вуза коммуникативно-эквивалентному письменному переводу. Дисс. канд.пед.наук. – Нижний Новгород–2014. – С.10 (182).
5. Латышев Л. К., Семенов А. Л. Перевод: теория, практика и методика преподавания. М. : Академия, 2003. –198 с.
6. Миньяр-Белоручев Р.К. Курс устного перевода. – М., 2000. – 144 с Чебурашкин Н. Д. Технический перевод в школе. М. : Просвещение, 1983. – 254 с.
7. Нелюбин Л. Л. Переводоведческая лингводидактика: учебно-методическое пособие. М. : Флинта, 2009. 320 с.
8. Новосельцева Н.В. Развитие синонимической компетенции у будущих переводчиков в процессе профессиональной подготовки (на старшей ступени обучения языкового вуза). Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Елец, 2004. –С.7 (24).
9. Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Пед. фан. доктори дисс. фвтореф. – Тошкент, 2018. 66 б.
10. Христолюба А.А. Методика обучения студентов переводческих факультетов письменному переводу текстов экономической тематики. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Нижний Новгород, 2013. – С.7 (25).
11. Юнусова А.А. Методическая система подготовки студентов по специальности «переводчик» в современной языковой ситуации в Таджикистане. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –М., 2011. –С.11 (19)

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРИНИ НОН-ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Ниёзова Юлдуз Ташмуродовна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг инглиз тили ўқитувчиси

Тел: +998904271551 yulduz.n1980@mail.ru

Аннотация. Мақолада нон-филологик таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш методикасини оптималлаштириш, талабаларга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш, симуляция, минтақавий тадқиқотлар материаллари, чет тилининг педагогик салоҳияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ўқув жараёни, оптималлаштириш, симуляция моделлаштириш, мултимедия яхлит бирлиги, мақсадли тил мамлакат маданияти, минтақавий материал.

ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫЕ ЯЗЫКИ В НЕЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСИТЕТАХ

Ниёзова Юлдуз Ташмуродовна



98	Талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати Иноятлов У.И , Муталов С.Х	488
99	Инновацион муҳандислик фаолият - техник фаолиятнинг таркибий қисми сифатида Турматов Ж. Р, Нарбеков Н.Н	493
100	Болаларга хос ёзма матнларнинг трансакт таҳлили Юлдашева Д.М	498
101	10-синф физика курсида ўқувчиларга ўзгармас ток қонунларидан фойдаланиб масала ечишни фанлараро интерфаол ўргатиш Умаров А. О, Зоҳидов И.О	500
102	Таржимага ўқитиш масаласи тадқиқот объекти сифатида Йўлдошев У.Р	508
103	Хорижий тилларни нон-филологик таълим муассасаларида ўқитиш усуллари оптималлаштириш Ниязова Ю.Т	513
104	Б. блум таксономиясига таянган ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчисининг техник фикрлаш кўникмаси шаклланишини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари Ярлакабов У.М	517
105	Электрон тренажёрнинг ўқув ва назорат воситаси сифатида қулланиш методлари Ҳамидов Ж. А, Қосимов С.Х	523
106	Sinf dan tashqari mashg'ulotlarda maktab o'quvchilarining mustaqil faoliyatini tashkil etish (Fizika) Mamatoxunov Y. A	527
107	Бўлажак педагогларни таянч ва касбий компетенцияларини такомиллаштириш Самиджоновна М. Ҳ	533
108	Sharq allomalarining salomatlik haqidagi fikrlari Ismoilov T	536
109	Развитие творческих способностей студентов на занятиях композиции в педагогических учебных заведениях Байметов Б. Б, Жаббаров Б.Г, Шарипжанов М. Ш	539
110	Эвристический метод обучения Юсупова Р. К	546
111	The use of household experiments in the formation of the conception of adsorbtion Kholmiraev U.I	551
112	Bolalarda fazoviy fikrlashning rivojlanish uslubi So'fiboyeva G.M	556